



ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВИ

Халилов Д.А.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси
Тел. +99899-913-56-45.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7057278>

ARTICLE INFO

Received: 01st September 2022

Accepted: 04th September 2022

Online: 07th September 2022

KEY WORDS

Янги Ўзбекистон; дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети; Ижтимоий ҳимоя ягона реестри; Пробация хизмати.

ABSTRACT

Мақолада озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви, давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш бўйича фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.

Дунёнинг барча ривожланган давлатларида фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан бирга жиноятчиликка қарши кураш, жиноятларни барвақт олдини олиш, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахсларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамда ушбу тоифадаги шахсларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида қатор ислохотлар натижасида комплекс чоратadbирлар амалга оширилиб, мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди. Ушбу комплекс чора-таadbирлар Республикадаги жазони

ижро этиш тизимида ҳам ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди.

Дарҳақиқат, “ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номақбул ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин[1]. Бунинг олдини олишда албатта ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида чоратadbирларни аниқ манзилга йўналтириш, ишсиз ҳамда ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахсларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида тизимли ишларни ташкил этиш муҳим рол ўйнайди.

Юқоридаги ижобий ишларнинг ҳуқуқий асосларидан бири сифатидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон



Фармони билан тасдиқланган давлат дастурининг 14-мақсади “қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда ушбу жараённинг бош мезони сифатида инсон қадрини белгилаш”[2] деб номланган бўлиб, унда маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси белгилаб берилган.

Жумладан, ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги йўналишлар аниқ белгилаб берилган:

биринчидан, озодликдан маҳрум этилган шахсларга жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш;

иккинчидан, Меҳнатга жалб этилган маҳкумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш;

учинчидан, Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви механизмларини такомиллаштириш; тўртинчидан, Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгиловчи қатъий мезонларни белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 29 июндаги “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг

ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сонли қарорининг[3] қабул қилиниши фикримизча, мамлакатимизда амалга оширилаётган “Инсон қадри учун” деган улўғвор ғояни амалга оширишга хизмат қилади. Ушбу ғоя замирида давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жумладан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб озодликка чиққан фуқароларга нисбатан ҳам давлат томонидан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қилиш орқали, жамиятда ўз ўрнини қайта топишга, амалий хизмат қилади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, мазкур қарор озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлиб жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ижтимоий фойдали жалб этиб, ижтимоий мослашувига, келгусида жамиятда ўз ўрнини топишга ҳамда улар томонидан қайта жиноят содир этишларини олдини олишда амалий кўмаклашиш механизмларни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тартиби тўғрисида”ги низом ҳамда “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий



ёрдам пакети”ни бериш масаласини кўриб чиқувчи идоралараро доимий комиссия”ларнинг намунавий таркиби тасдиқланиб, низомда юқорида қайд этилган вазибалар амалга ошириш тартиби аниқ белгилаб берилган.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларни ижтимоий мослаштириш асосий вазифаси хисобланган Пробация хизмати[4] идоралараро комиссиясининг доимий аъзоси сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

– Идоралараро комиссия йиғилишлари кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлайди, йиғилиш баённомасини юритади ва расмийлаштиради;

– Идоралараро комиссия аъзоларига Идоралараро комиссия йиғилиши ўтказиладиган сана ва жой тўғрисида хабар беради;

– кўмак уловчиларнинг аризалари билан ишлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Идоралараро комиссияга тақдим [3] этиши белгилаб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу қарорда, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

– идоралараро комиссиялар озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг тадбиркорлик, меъморчилик, хунармандчилик каби йўналишлардаги аниқ лойиҳаларини ўрганиб чиқиш ва молиялаштириш бўйича асослантирилган хулосаларни тайёрлашга масъуллиги;

– озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети» маҳаллий ижро этувчи ҳокимият

органлари томонидан биринчи навбатда туман (шаҳар) бюджетлари маблағлари ҳисобидан, етишмаган қисми бўйича эса – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн баравари миқдоридан берилиши;

– “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тартиб-таомиллари Молия вазирлигининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали очиқ ва шаффоф тарзда амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди[3].

Хулоса ўринида, Юртимизда инсон қадри улуғланган бир даврда, Юртбошимиз томонидан ушбу Қарорнинг қабул қилинишининг муҳим жиҳати шундаки, 2022 йил 1 сентябрга қадар озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқаролар ҳақидаги маълумотларнинг электрон алмашинувини таъминлаш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига тегишли маълумотлар базасини интеграция қилиш ҳамда ушбу ахборот тизимида “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш бўйича техник имкониятларни назарда тутувчи алоҳида модуль яратиш белгилаб берилди.

Бунинг афзаллиги шундаки, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларни аниқ рўйхатини ягона базада шакллантириб, маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, мувофиқлаштириш ва бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

References:



1. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 147-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 29 июндаги “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/6086474> (электрон манбага мурожаат этилган сана 07.09.2022 й).
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 19 февралдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш департаменти Пробация хизмати фаолиятига янги иш услубларини татбиқ этиш тўғрисида”ги 42-сонли буйруғи.